O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 21 июнь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 48 (7243)

Da'vat

Мақсади улуғлашган сари одам ҳам улуғлашиб боради.

Фридрих ШИЛЛЕР

Ibrat

Оролбўйида яшовчи болаларни соғломлаштириш дастурига мувофиқ бир гуруҳ хоразмлик ва қорақалпоғистонлик болалар дам олиш учун Тошкент вилоятининг хушманзара оромгоҳларига юборилди. Ҳар бирининг нархи 15 минг сўмдан зиёд бўлган йўлланма харажатларини ҳокимият ва касаба уюшмалари ўз зиммасига олган.

"Yil tarbiyachisi — 2000"

САРАЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, 12-16 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ҳамда Республика мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимо ишлаб турувчи курс ҳамкорлигида "Йил тарбиячиси—2000" кўрик-танловининг сўнгги — республика босқичи бўлиб ўтди.

Анжуманда Республикамиз вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан жами 14 нафар тарбиячи иштирок этди. Кўрик-танлов фестивали иштирокчилари дастлаб "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод" дастури асосида назарий билимларини тест орқали намойиш қилдилар. Сўнгра, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-болалар боғчасида фестивалнинг биринчи шарти — "Касбим менинг — фахрим менинг" мавзусида янги педагогик технологиялар бўйича қизиқарли, рангбаранг мужассам машғулотлар ўтказишиб, ўзларининг касбий маҳоратларини моҳирона намойиш қилдилар.

Тарбиячилар мазкур боғчадаги нотаниш жажжи ўғил-қизлар иштирокида машғулотларни қизиқарли, жонли ташкил қилдиларки, гўё улар ўз гуруҳлари болалари билан галдаги машғулотларни олиб боришаётгандек эди. Болажон мураббийлар мурғак қалблар кўнглига шу даражада йўл топганларки, дилбандлар "боғча опа"ларининг берган ҳар бир саволига тўғри, аниқ жавоб беришиб, топшириқларини бир зумда амалга оширдилар. Шунингдек, ҳар бир тарбиячи ижодкорлиги, топқирлигини намойиш этиб, ранг-баранг кўргазмали қуроллар ясаб, "Моҳир қўллар" шартини ҳам бажардилар.

Куннинг иккинчи ярмида фестиваль иштирокчилари кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун маданий дам олиш масканларидан бири Аброр Ҳидоятов номидаги театрга ташриф буюрдилар. Театр актёрлари ўз саҳна асарларидан кўринишлар намойиш этиб, тарбиячи-томошабинларни хушнуд этдилар.

Фестивалнинг навбатдаги кунида қатнашчилар Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Хотира боғи, "Дилекинтертразес" қўшма корхонаси, Республика қўғирчоқ театри, "PINOKKIO" дўкони, табиат музейида бўлишиб, "Ўзбекистон — жаннат макон диёр" мавзусида ўз билимларини баён қилдилар.

Сурхондарёлик Лутфия Орипова "PINOKKIO" дўконида экскурсияни ўйин орқали ташкил этиб, кўргазмадаги турли ўйинчоқлардан кенг фойдаланди. Уларга мос шеърлар айтиб, ҳар бир муаммони тезда ҳал этиш қобилиятини намойиш этди.

Кечки пайт Тошкент шаҳридаги "Сойбўйи" кафесида "Бола тарбиясида аёлнинг тутган ўрни" мавзусида давра суҳбати бўлди.

Кўрик-танлов фестивалининг якуний қисми муҳташам "Наврўз" кошонасида ўтказилди. Унда иштирок этган халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев шундай деди:

— Бугун биз — кўрик-танлов иштирокчилари энг гўзал, чиройли кошона "Наврўз"да ўтирибмиз. Буни тадбиримизга бўлган катта эътибор деб тушунмоқ керак. Мазкур масканга келгунга қадар тарбиячилар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Хотира боғи, музей ва ўйинчоқлар дўконлари каби жойларда бўлиб, пойтахтдаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Байрам байрам билан, фестиваль фестивал билан. Лекин бир мақсад бор — у ҳам бўлса, энг яхши тарбиячи касбий маҳоратини кўрсатишдир. Иккинчи шарти педагогик ва методик маҳорат, болани маънан шакллантирадиган этнопедагогик хусусиятларни кўр-сатиш. Учинчиси эса болажонлик — ҳар қандай вазиятда ҳам болани севиш, ёқимтой бўлиш. Бола қачон боғчага бораман, боғча опамни кўраман, деб зориқиб кутсин.

(Давоми 3-бетда)

Rasmiy bo'lim

ЯНГИ ЎҚУВ РЕЖА ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини бажариш мақсадида "Умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув режасини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларининг 2000-2001 ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси (таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъий назар) ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, Республика таълим марказига жорий йилнинг 1 августига қадар ўқув режада белгиланган барча фанлар ва курслар бўйича услубий тавсиялар, йўриқномалар тайёрлаш ҳамда жойларга етказиш, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаларига эса тасдиқланган ўқув режа ва унинг тушунтириш хатида белгиланган вазифалар ижроси умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилинишини назорат этиш вазифалари юклатилди.

(Давоми 2-бетда)

Умумий ўрта таълим муассасалари учун 2000 - 2001 ўқув йилига мўлжалланган ўтиш даври ўқув режаси ҳамда унга тушунтириш хати билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 июнь куни Оқсарой қароргоҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) Президенти Кимио Фужитани қабул қилди.**
- **Хоразм вилояти ғаллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла сотиш бўйича давлат буюртмасини бажарганликлари боис Президентимиз табрик мактубини йўллади.**
- **Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлди.**

- **Бельгиядан Англияга йўл олган Голландиянинг юк кемасидаги юк машинаси ичидан 58 киши — 54 эркак ва 4 аёлнинг жасади топилиб, голландиялик шофёр терговга тортилган.**
- **АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Шимолий Корея, Ливия, Судан каби давлатларни энди "жанжалкаш давлатлар" деб эмас, "хавотир туғдирувчи давлатлар" деб аташларини айтган.**

- **Бош вазир ўринбосари Валерий Косарчукнинг айтишича, Молдовада қурғоқчилик оқибатида қишлоқ хўжалик экинларига етган зарар 2 миллиард лейни (тахминан 160 миллион АҚШ долларига тенг) ташкил қилади.**
- **Россия ҳукумати таклифига биноан, 21 июнь куни Бразилия вице-президенти Марку Масиэла ўзаро ҳамкорлик бўйича Бразилия-Россия қўшма комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун Москвага келади.**

- **Жазоирда 33-халқаро иқтисодий кўргазмада 36 мамлакатнинг 1300 корхонаси қишлоқ хўжалик техникаси, маиший техника жиҳозлари, енгил саноат ва бошқа халқ хўжалиги маҳсулотларини намойиш этмоқда.**
- **Украина Президенти Леонид Кучма бошчилигидаги ушбу давлат ишбилармонлари делегацияси Кубада бўлиб, Л.Кучма ва Куба раҳбари Фидель Кастро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.**

СУРЪАТ ВА СИФАТ — МУҲИМ МЕЗОН

Jarayon

Амударё туманидаги 34-Қипчоқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар лицейини қайта таъмирлаш ишлари шу йилнинг февраль ойида бошланган. Ушбу даргоҳ 2000-2001 ўқув йилининг биринчи сентябрида касб-ҳунар коллежи мақомида ўз фаолиятини бошлаши режалаштирилганлиги боис, бу ерда барча шароитлар ўз вақтида муҳайё бўлиши керак. Бош пудратчи 305-очиқ турдаги хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари экан. Кўриниб турибдики, вақт жуда зиқ, фақат ёз мавсумидангина қурувчилар, таъмирловчилар самарали фойдаланишлари мумкин. Бу даргоҳда 652 нафар ўқувчи 18 хил мутахассислик бўйича 22 та гуруҳда тахсил олишаркан. Қурилиш, қайта таъмирлаш ишларини жадаллаштириш учун ўқув жараёнлари бошқа ерга, яъни ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг эски биносига кўчирилибди. Лицей директори Қосим Наметов ҳамроҳлигида ўқув жараёни ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишдик.

Лицей ҳудуди катта қурилиш-таъмирлаш майдончасига айланган, ҳар ким ўз ишини сидқидилдан бажариш билан банд. Ишт терувчилар, сувоқчилар, пардозловчилар, дурадгорлар жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилишмоқда.

Автокранчи Гулмирза Шомуротов, ер қазийдиган "Белорусь" тракторининг ҳайдовчиси Қадамбой Қораев, "ГАЗ—53" юк ташиш машинаси ҳайдовчиси Нурулла Тажетдинов, Хивадан келиб ишлаётган ганч-ўймакорлик усталарининг иш фаолиятлари алоҳида тахсинга сазовордир. Ёрдамчи пудратчи ташкилотлар — 304-кўчма механизациялашган жамланма, Манғит қурилиш-монтаж участкаси жамоаларининг ҳам қурилиш объектидаги ҳиссалари салмоқли бўлаяпти, дейиш мумкин. Жумладан, 750 ўқувчига мўлжалланган ўқув-ишлаб чиқариш устахонасининг бир қавати битган. 100 ўринли ётоқхона, ичимлик суви ҳавзаси ва оқава сувлар йиғиладиган махсус жой жадал қурилаяпти. Ўқув-тажриба участкаси учун 20 гектар ер ажратилмоқда.

Лицейни қайта қуриш ва таъмирлаш ишларига давлатимиз томонидан 265 миллион сўм (келишилган нархда) маблағ ажратилган. Шу кунгача 59 миллион сўмлик иш ҳажми бажарилган.

Биз қурилишнинг катта иш бошқарувчиси Ёдгор Холметов билан суҳбатлашиб, иш жараёнидаги айрим муаммолар билан ҳам қизиқдик.

—Умуман, ишимиз яхши кетаяпти. Аммо уни янада яхшилаш учун баъзи бир масалаларни тезкорлик билан ҳал қилмоқ лозим, — деди суҳбатдошимиз. — Айтайлик, катта ва кичик диаметрли арматуралар, темир-бетон конструкциялар узлуксиз, муддатидан олдин келиб турса, объектни режалаштирилган вақтда фойдаланишга топшириш имконияти анча кенгайган бўлур эди. Ҳозирча цементда узилиш бор. Бизнинг ишимизда, маълумки, қурилиш материалидан озгина узилиш бўлса, иш жараёнига салбий таъсир қилиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ютуқлар соясидаги мазкур нуқсонларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Бу ҳақда тегишли раҳбар-мутасадди ташкилотлар тезда бош қотирсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛ КУЧ

Iste'dod

Ўз ривожланиш тарихига эга бўлган Самарқанд кооператив институтида давлатнинг устувор вазифаларига айланиб бораётган иқтидорли талаба-ёшларни аниқлаш, улардаги истеъдодни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Талабалар орасидан иқтидорлилари маълум мезонлар асосида аниқланиб, кафедраларнинг тажрибали профессор-ўқитувчиларига биркитилган.

Иқтидорли ёшлар "Умид", "Устоз", "Улуғбек" ва бошқа жамғармаларнинг грантлари шартлари билан доимий равишда таништирилиб борилади.

Улар билан ранг-баранг мавзуларда машғулотлар ташкил қилинган. Бунда талабанинг хорижий тилларни билиши, компьютер саводхонлиги ҳисобга олинади.

Иқтидорли талаба-ёшлар илмий тўгараклар, анжуманлар ва кўрикларнинг доимий иштирокчиларидир. Институт илмий бўлимида иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш бўйича махсус режа ва чора-тадбирлар белгиланиб, ижроси назорат қилинмоқда.

Талабалардан 120 нафари иқтидорли бўлиб, турли жамғармалар, грантлар, кўрикларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Отабек Хушвақтов "Умид" жамғармаси ғолиби сифатида АҚШнинг Дюкейн университетида таълим олиб қайтди.

Ҳозирги кунда у Самарқанд вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлимида фаолият юритиш билан бир вақтнинг ўзида мазкур институтда "Молия ва кредит" кафедрасида талабаларга махсус фанлардан сабоқ бермоқда. Институт талабаси Фаридун Одилов эса АҚШнинг Эмори университетида бакалавриат босқичида ўқишларни муваффақиятли якунламоқда. "Умид" жамғармасининг 1999 йилдаги танлови ғолиблари Ҳамид Жуманиёзов ва Ғайрат Халиловлар бугунги кунда Германиянинг нуфузли университетларида бакалавриат ва магистратура бўйича тахсил олишаяпти.

"Умид" жамғармасининг 2000 йилги танловида институтда тахсил олган Шарофиддин Тўраев ғолиблик сертификатини қўлга киритди ва Англияга ўқишга жўнаш арафасида турибди. Юқори курс талабаларидан Фируз Бурҳонов Беруний, Дилфуза Усмонова эса Улуғбек стипендияси совриндорларидир.

Сўнгги икки йилда институт иқтидорли талабаларининг иккита илмий тўпламлари чоп этилиши ҳам тахсинга лойиқдир.

Илмий анжуманларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг моҳияти ва босқичлари тўғрисида талабаларга сўзлаб бермоқдамиз. Умуман, алоҳида қобилиятга эга талабанинг жамиятдаги фаоллигини ошириб бориш вазифасига ҳамиша масъулмиз.

Ҳасан МУСАЕВ,
Самарқанд кооператив институти иқтидорли талаба-ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор

Ўқитувчи ёнидаги дафтаримга

ЯНГИ ИНСТИТУТ

ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими тизимида "Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари" илмий-текшириш институти фаолият бошлади. Мазкур институт ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни илмий жиҳатдан ўрганишни йўлга қўйиш, Ватанимиздаги ва хориждаги энг сўнгги фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш каби қатор масалалар билан шуғулланади.

МУҲИМ ИХТИРО

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг Патент идораси томонидан таниқли геокимёгар олимимиз, Нью-Йорк Фанлар академиясининг академиги Рустам Юсуповга селадонит ва ушбу минералли тоғ жинсларидан хлорсиз калий ўғитлари сифатида фойдаланиш соҳасидаги ихтироси учун патент гувоҳномаси берилди. Ушбу патентга биноан, олим мамлакатимиз ҳудудида 20 йил мобайнида селадонит минералини ўғит сифатида қўллашнинг мутлақ соҳиби бўлди.

БАЛИҚЛАР ОРАСИДА

Сунъий мосламаларсиз сув остида узоқ вақт ҳаракатланишга эришиш йўлида олимлар тинимсиз изланиб келади. Бу борада америкалик олим Иоганнес Килстр томонидан ўтказилган тажрибалар эътиборлидир. Олим томонидан яратилган махсус эритма ўпкасига қуйилган одам сув остида тўрт соатча сузиб юра олган.

АСАБЛАРНИ ТИНЧЛАНТИРИШ УЧУН

Чехияда тескари юрадиган соатлар ишлаб чиқарилмоқда ва бу соатлар тезда ўз харидорларини топмоқда. Антиқа соат ижодкорларининг таъкидлашича, бундай соатга қараган кишининг асаблари тинчланиб, руҳан дам олар экан.

ЭРКИНЛИК ЎЖАРЛИК ЭМАС

2000 yil — Sog'lom avlod yili

Ёшларнинг руҳига эркинлик ҳисси ёшликдан кириб боради. Ушбу мақоламиз ҳам ёшларда эркинлик руҳини тарбиялашга қаратилган бўлиб, болада шакланаётган мустақиллик ҳисси ва уни чеклашларидан зада бўлган болада учрайдиган ўжарлик ҳақидадир.

Одатда, баъзи ота-оналар ўз фарзандлари ҳақида унчалик куюниб эмас, ички бир сезилмас эътироз билан, "бу шунақа, анча ўжар", деб қўйишади.

Демак, умуман олганда ўжарлик салбий хусусият эканлигини ота-она билган тақдирда ҳам, барибир фарзандининг мустақил ҳаракати, мулоҳазаси, иш юритишини ёқтиради, қўллаб-қувватлайди. Бу бир томондан ижобий ҳол. Аммо, бу маълум бир чегара эканлигини унутмаслик керак. Боладаги мустақилликка ҳаракат, ўз эркин хулқини шакллантириш ҳақиқий ўжарликка айланиб кетмаслиги керак.

Одатда, боладаги ўжарлик хулқининг бошланиши ота-она ва бола ўртасидаги муомалани анча қийинлаштириб боради. Демак, айнан мана шу ҳолатдан бошлаб бола ҳаракатидаги мустақилликка уринишларни таъқиқлаш услубидан тезда қайтиш керак. Баъзан, ҳатто боланинг салбий натижага эришиши муқаррар бўлган ҳаракатига ҳам имкон беринг. Шундагина у сизнинг айтганингиз тўғри эканлигига амин бўлади ва ўз ҳаракати, мулоҳазасининг ўжарлик хислатлари билан боғлиқлигига тажриба орттиради. Иккинчи бор бирор ҳолат юз берганда ўз тажрибаси ёдига тушиб, сизнинг маслаҳатингизни қабул қилади. Чунки биз катталар бола хулқининг тараққиёт жараёнида ўжарлик ҳам ундаги эркинлик руҳи тарбиясига бир қадар ижобий таъсир қилишини унутиб қўямиз.

Бола шахсининг шаклланишидаги энг муҳим давр — 2-3 ёшлар бўлиб, бу пайтда бола тўлиқ тилга киради. Унинг руҳидаги "Мен" алоҳида куч ва қудрат бўлиб, унга ўрнашади. Шахс ўзини атрофдагилардан мана шу "мен" орқали ажрата олиши мумкин эканлигига ўрганиб боради. Бола бирор иш ёки юмушга қўл урар экан, агарда сиз ёрдам бермоқчи бўлсангиз, "мен, мен ўзим" деган сўзлар билан сизнинг ёрдамингизни инкор қила бошлайди. Мана шу жойда сиз унинг айтган сўзларини назарга олмай мажбуран бир-икки ёрдам берсангиз, унинг хулқида юқорида биз айтган шахснинг ўжарлик хусусияти бўлмиш аломатлар пайдо бўла бошлайди. Бу ўринда бола ҳаракатидаги ўзликка интилиш билан ўжарлик, катталарга, умум қабул қилинган қоидаларга бўйсунмасликни ажрата олиш зарур. Шундай ҳолат юзага келар экан, бола ҳаракатидаги ўзликка интилиш ёки ўжарлик аломатини ажрата олмадингизми, ҳаракат натижасини чамалаб кўринг-да, болани бу ҳаракат охирида у нимага эришишидан огоҳлантириб, уриниб кўришга имкон беринг. Чунки, ҳар қандай таъқиқдан шахсий тажриба бола учун ҳар томонлама қимматлидир.

(Давоми 2-бетда)

Шундагина вазиятдан чиқиш болага енгиллашади ва боланинг катталар тажрибаси кенгроқ экан, деган хулосага келиши мумкин бўлади.

Давлат компоненти ҳисобидаги фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўтилади.

ЭРКИНЛИК ЎЖАРЛИК ЭМАС

(Боши 1-бетда)

Ушбу тарбиявий йўналишнинг муҳим жойи шундаки, биринчидан бола шахсий тажриба орттиради, иккинчидан бола катталар маслаҳатини қабул қилиш фойдали эканлигига амин бўлади ва энг зарур жиҳат шундаки, бундай қалтис ҳолатда боланинг иродаси букилмайди, ғурури синмайди, унинг ўзига, натижа салбий ёки ижобий бўлишидан қатъий назар, ишончи ортади.

Боладаги эркинликни ривожлантириш бу даврда ўта муҳимлигини унутмаслик лозим. Акс ҳолда бола эгилувчан, иродасиз, келишувчан, бошқаларнинг фикрига тобе, ўзлиги сўнган шахс бўлиб етишади.

Бола ҳаракатидаги "йўқ", "мен ўзим" деган сўзлар ва уринишлар учун уни ҳеч ҳам жазоламаслик керак. Акс ҳолда у келгусида ўз фикрини, уринишини ҳимоя қила олмайдиган шахс бўлиб етишади.

Бу даврда болага ҳаёт қонун-қоидаларини тушунтириб, ўргатиб бориш зарур. Ахир, сиз билан биз катталарга маълум ва тушунарли бўлган бу қонун-қоидалар бола учун ҳали очилмаган қўриқ. Унинг ҳаёт тажрибасида, билим жамғармасида улар ўрин олмаган. Демак, бола тарбиясида буни унутмаслик керак. Ахир, бола учун уйда дастурхондан хоҳлаган нарсани олиш мумкин, аммо бу ҳол меҳмондорчиликда бўлганда мумкин эмас. Бола буни билмайди, агарда шундай ҳаракат меҳмондорчиликда юз берар экан, болани жазоламанг, вазиятдан бошқа йўл билан, лекин албатта чиқинг.

Бирор ҳолат бўлиб, бола "йўқ", "мен ўзим" дедими, унга унинг ҳаракати учун қўшимча имконият яратинг. Шундагина вазиятдан чиқиш болага енгиллашади ва боланинг катталар тажрибаси кенгроқ экан, деган хулосага келиши мумкин бўлади. Энг зарур томони бола хулқида ўзликни тарбиялашдаги салбий томон, ўжарлик қилишга зарурат қолмайди.

Бу борада бола шахсига салбий таъсир қилувчи таъқиқ: "йўқ", "ундай қилма", "бундай қилма", дейишларни камайтириш лозим. Иложи бор ҳолларда бола ҳаракатига вариант, имконлар туғдириш керак. Шундагина у ўзлигини сақлаган, изланувчи, ижодкор, ўз ҳаракатларида эркин шахс бўлиб вояга етади.

Боланинг ўзлигидаги эркинлик руҳини тарбиялашда яна бир қаттиқ назоратга олинадиган томон, бола билан бўлган муомалада овоз, болага бўлган муносабат ишонарли, қаттиққўлли бўлиши керак. Аммо, бу ҳол дўқ, ҳақорат қилиш, бола шахсини камситиш даражасига ўтмаслиги керак. Акс ҳолда бола томонидан унинг руҳида кескин ички қаршилик, шахсига теккан ҳолларда эса ғараз, кек сақлаш ҳоллари пайдо бўлади.

Бола руҳида ўжарлик ҳолларини сезар экансиз, дарҳол уларни йўқ қилишга шошманг. Боланинг ўзига ишончини тиклаш учун имкон ва вақт беринг. Шундагина унинг руҳида эркинлик руҳи ривож топиб, ўжарлик сўнади. Шундай шароитдагина эркин авлод вояга етади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

Seminar

ЭЛЧИХОНА ХОДИМЛАРИ «УЧУЙЛИ»ДА

Шаҳрисабз тумани Бобур номли жамоа хўжалиги Учуйли қишлоғидаги 26-ўрта мактабда таълим соҳасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, француз тили ўқитувчилари билимларини ошириш мақсадида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинарда Қашқадарё вилояти ХТБ бошлиғи Р.Мусурмонов, Франция элчихонасидан келган меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

—Бу тадбирнинг аҳамияти катта. Унда вилоятимиз туманларидан келган 45 нафар француз тили ўқитувчиларига меҳмонлар уч кун дарс ўтишади, — дейди 26-ўрта мактаб директори Ўктам Эргашев. Уларга сертификатлар берилади.

—Бизнинг хўжалигимиз худудидаги С.Айний номидаги 26-ўрта мактабда француз тили бўйича ушбу семинарнинг ўтказилиши биз учун ниҳоятда қувонарлидир. Бу эса мамлакатимизнинг Европа ва дунёдаги мавқеини, салоҳиятини оширади, мамлакатимиз маданиятларини бир-бирига яқинлаштиришда катта аҳамият касб этади, — деди ўз ҳаяжонини яширолмай Бобур жамоа хўжалиги раиси Баҳодир Остонов.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

МАЖМУАНИНГ ИЛК БИТИРУВЧИЛАРИ

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси илк ёшдан бошлаб 4-синфгача таълим-тарбия берган дастлабки қалдиргочларини учирма қилди.

Муассаса байрамона безатилган. Бугун бошланғич синфни тугатган 34 нафар жажжи битирувчиларнинг оқшом тантанаси. Анжуманга туман халқ таълими бўлимининг ходимлари, ота-оналар ҳамда таниқли санъаткорлар ташриф буюришган.

Икки оғиз бошланғич синфни битирувчилар ҳақида. Мазкур синфга тажрибали муаллима Ҳикоят Файзиева раҳбарлик қилди. Ўқувчилар инглиз, корейс, рус тилларини пухта ўргандилар. Битирувчиларнинг 15 нафари аълочи ўқувчилар сафидан ўрин олган. Абдулазиз Шокиров математика бўйича ўтказилган туман олимпиадаси ғолиби, Гулноза Мажидова эса она тили бўйича ўтказилган туман олимпиадасида 2-ўринни олди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Жамолиддин Эшбоев ўқувчиларни бугунги тантана билан муборакбод этди ва уларга 4-синфни битирганликлари ҳақида гувоҳнома, 15 нафар аълочи ўғил-қизларга муассасанинг эсдалик медали, 2 нафар олимпиада иштирокчисига эса ТХТБнинг Фахрий ёрлиғини топширди.

Қувончли томони шундаки, 2000-2001 ўқув йилида ўқувчиларнинг барчаси инглиз тилига ихтисослашган 102-мактабда, бир синфда таълим олишни давом эттирадилар.

Шодиёнада ўқувчилар турт тилда шеър, ашула айтиб, рақсга тушдилар. Шунингдек, Ғафур Ғуломнинг "Шум бола", Саид Аҳмаднинг "Келинлар қўзғолони" асарларидан саҳна кўринишлари намойиш қилдилар.

Анжуманда Обид Асомов, Тўхтамурод Азизов ва "Тож" гуруҳи аъзолари ҳазил-мутойибалари, дилрабо қўшиқлари, билан кеча иштирокчиларини хушнуд этдилар.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ХАЙР, БОҒЧА ОПА!

Тошкент шаҳридаги 388-болалар боғчасида тарбияланувчиларни бу йилги мактабга кузатиш шодиёнаси одатдагидан ўзгача ўтди. Хайрлашув онлари болаларнинг боғчада ўрганган билимларини синаш байрамига айланиб кетди. Боғча зали мактабни эслатувчи суратлар, кўргазмали қуроллар, чизмалар билан безатилган. Икки гуруҳга бўлинган жажжи ўғил-қизлар топқирлик, зукколик баҳсини бошладилар. Мурғак қалбларнинг ҳозиржавоблик борасидаги баҳсини ҳаяжонсиз кузатиш қийин. Ҳисоб бўйича иқтидор намойишига айланган савол-жавобларни-ку, асти қўяверасиз. Математика эмас, балки рақамлардан ташкил топган эртаклар олами дейсиз. Эртак айтиш, топишмоқ топиш мусобақасини томоша қилган ота-оналар ҳайратларини яшира олмадилар.

— Боғча ёшидаги боланинг хотираси жуда кучли бўлади, — дейди боғча мудираси Дилбар Каримбекова. — Кўз ўнгимизда иқтидорларини кўз-кўз қилаётган болакайлар эртага юрт ва миллат ҳақида қайғурувчи, уни шарафловчи кишилар бўлиб улғайишига шубҳа йўқ.

Шодиёна ниҳоясига етиб, ҳаяжонли хайрлашув лаҳзалари бошланди:

— Хайр, Шоира опа!...

— Хайр, Людмила опа!...

Г. МИРЗАЕВА

ТАЛАБАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ҲИСОБИДАН

Чимбой туманидаги 1-сонли лицей ўқувчилари ёзги таътил кунларида ўзларининг ёрдамчи хўжалигида меҳнат қилмоқдалар. Ўқувчилар ҳар йили мазкур хўжаликлардан мўл даромад олмоқда. Масалан, ўтган ўқув йилида ишлаб топилган даромаднинг 1 миллион сўмига компьютер, 100 минг сўмига турли дарсликлар сотиб олинди. Бу йил эса ўқув юртига мусиқа асбоблари ҳамда видеокамера сотиб олиш режалаштирилган.

ҚАЛБАКИ ДИПЛОМНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Сўнгги пайтлари қиғир йўлга кириб қолган айрим фуқаролар орасида қалбаки дипломлардан фойдаланиш ҳоллари учрамоқда. Масалан, Тахтакўпир туман судида бу борада иккита жиноий иш кўриб чиқилди, — деди туман халқ суди раиси Қодирбой Жамолов — Тикувчилик ихтисоси бўйича таълим бераётган Зулфия Абдусалиева Тошкент педагогика билим юртини тугатганлиги тўғрисида қалбаки диплом сотиб олиб, тумандаги 18-мактабда 1993 йилдан бери ишлаб келган. Бу қалбаки диплом туман прокуратураси томонидан аниқланиб, З. Абдусалиевага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-банди бўйича жарима солинди. Шунингдек, 1996 йили Тахиатош касб-ҳунар лицейини битирган Элмира Олламберганова 1997 йили Тошкент педагогика билим юртининг қалбаки дипломини 20 минг сўмга сотиб олган ва тумандаги мактабда 1999 йилнинг декабригача ўқитувчи бўлиб ишлаб келган. Бу жиноятқорона хатти-ҳаракат прокуратура ходимлари томонидан олиб борилган текшириув натижасида аниқланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 3-банди бўйича жарима солинган Э. Олламберганова ишдан бўшатилди.

"Туркистон-пресс"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ 2000-2001 ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎТИШ ДАВРИ ЎҚУВ РЕЖАСИ

№	Ўқув фанлари	СИНФ							Умум.соат	СИНФ				умум.соат	ҳафта	Жами соат
		янги дастур асосида								ҳаракатдаги дастур асосида					умумсоат	
		1	2	3	4	5	6	7		8	9	10	11			
	Давлат компоненти	20	22	24	24	30	32	33	185	36	35	36	36	143	328	11132
1.	Ўзбек тили	2	2	2	2	2	2	12	3	2	2	2	9	21	714	
2.	Она тили ва адабиёти	8	8	10	10	9	7	5	57	5	5	5	5	20	77	2610
3.	Хорижий тил					3	3	3	9	3	2	2	2	9	18	612
4.	Тарих					2	2	3	7	3	4	4	4	15	22	748
5.	Давлат ва ҳуқуқ асослари									1	1			2	2	68
6.	Инсон ва жамият												1	1	1	34
7.	Иқтисодий билим асослари										1	1	1	3	3	102
8.	Математика	5	5	5	5	5	5	5	35	5	5	5	4	19	54	1835
9.	Информатика									1	1	2	2	6	6	204
10.	Физика, астрономия						2	2	4	2	3	4	5	14	18	612
11.	Кимё							2	2	3	3	2	2	10	12	408
12.	Биология					1	2	2	5	2	2	1	2	7	12	408
13.	Табиийёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	9	2	1	2		5	14	475
14.	Одобнома	1	1	1	1				4						4	135
15.	Ватан туйғуси					1	1		2						2	68
16.	Маънавият асослари							1	1	1	1			2	3	102
17.	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1	7						7	237
18.	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1	7						7	237
19.	Чизмачилик									1				1	1	34
20.	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	10	2	2	2	2	8	18	611
21.	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	14	2	2	2	2	8	22	746
22.	Чақириққача ёшларни тайёрлаш											2	2	4	4	136
	Мактаб компоненти қизиқишига кўра, ижодий камолотни ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотлар	2	2	2	2	2	2	2	14	2	3	3	3	11	25	848
	Умумий соатлар	22	24	26	26	32	34	35	199	38	38	39	39	154	353	11980
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10		16			20			

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" асосида тузилган.

Ўқув режа ўтиш даврига мўлжалланган бўлиб, бунда 2000-2001 ўқув йилида I-VII синфлар янги дастур, VIII-XI синфлар амалдаги дастур асосида ўқитилиши режалаштирилган.

Ўқув режа таркиби давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир.

Мактаб компоненти мактабнинг дарс соатларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради ҳамда ўқувчи шахсининг яратувчанлик имкониятларини кенгайтириш, ижодий, ижтимоий ва амалий фаолиятларини ривожлантириш учун шароит яратади. Бошланғич синфларда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ўқувчиларнинг асосан маънавий, бадиий-эстетик, мусиқий, ахлоқий-ҳуқуқий фазилатларини ривожлантиришга қаратилади. Шу билан бирга мактаб компонентига ажратилган соатлар факультатив ва ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра ижодий қобилиятини ўстирувчи якка, гуруҳ машғулотларига ҳамда ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишга ажратилади.

Мактаб ихтиёрига берилган соатларни ўтишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати тавсия этган дастур ва қўлланмалар ёки мактаб методика бирлашмалари ҳамда турли мутахассислар ҳамкорлигида яратилиб, Республика таълим маркази томонидан тасдиқланган алоҳида дастур ва қўлланмаларни жорий қилиш мумкин.(Изоҳ: мустақил тайёрланган дастур ва қўлланмалар Қорақалпоғистон Республикаси ўқув методика маркази, Тошкент шаҳар, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари илмий-методика кенгашлари тавсияномасидан сўнг Республика таълим марказига тасдиқлашга берилади. Бунда ўқувчиларнинг хоҳиш-истакларидан ташқари, малакали мутахассислар ва ўқув моддий базанинг мавжудлиги ҳақидаги маълумот ҳамда мактаб кенгашининг қарори бўлиши шарт).

Давлат компоненти ҳисобидаги фанлар Давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўтилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили, ўзбек тили фани ўрнида ўқитилади. Таълим қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда она тили ва адабиётдан III-IV синфларда 2 соатдан, V-XI-синфларда хорижий тилдан 1 соатдан, она тили ва адабиётдан 1 соатдан, жами 2 соат ҳисобида 3-синфдан бошлаб рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб ўқитилиши мумкин. Мактаб педагогика кенгаши қарорига асосан мазкур тиллар (ўзбек ва рус тиллари)ни чуқур ўрганиш учун давлат ва мактаб компонентларидаги соатлардан қўшимча фойдаланиш мумкин.

2. V-IX синфларда одоб, аҳлоқ ва маънавият асослари бўйича яратилган қўлланма ва китоблардан фойдаланиб, V-VI синфларда "Ватан туйғуси", VII-IX синфларда "Маънавият асослари" дарсларида ўқувчиларнинг Ватан туйғуси, маънавий ва мантиқий тафаккур қобилиятлари шакллантирилади.

3. "Миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар" махсус курси бошланғич синф ўқитувчилари томонидан "Одобнома" (1-4), "Атрофимиздаги олам" (1-4) дарслари; "Ватан туйғуси" (5-6), "Маънавият асослари" (7-9 синф), тарих (5-9-синф), она тили ва адабиёт (5-9) ўқув фанларининг тегишли мавзулари таркибида мутахассис ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

4. I-IV синфларда ўтказиладиган жисмоний тарбия дарсларида назарий материал сифатида "Ўзбекистон ифтихорлари" қўлланмасидан ҳам фойдаланилади (бу курснинг юқори синфларда ҳам ўтилиши мақсадга мувофиқдир).

5. Халқ таълими вазирлигининг 1997 йил 12 июлдаги 116-сонли буйруғи асосида, бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларимизнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ўқув дарси:

— I-IV-синфларда "Ҳуқуқ алифбоси", "Одобнома" ва бошқа ўқув фанлари таркибида;

— V-VII-синфларда "Ҳуқуқ сабоқлари" она тили, хорижий тиллар, тарих фанлари таркибида алоҳида боб ёки мавзулар киритиш ҳисобига;

— VIII-IX-синфларда "Давлат ва ҳуқуқ асослари" мустақил фан сифатида ўқитилади.

6. "Иқтисодий билим асослари" ўқув дарси:

— Бошланғич I-IV-синфларда "Иқтисод алифбоси"нинг ўқув материаллари она тили, ўқиш, математика фанлари таркибида;

— V-VIII-синфларда "Иқтисод сабоқлари" ўқув материаллари она тили, хорижий тиллар, математика, география ва меҳнат таълими фанлари таркибида, IX-XI-синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

7. V-синфда биология фанини ўқитишда 2000 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Ботаника" (V-VI синф) дарслигидан 34 соатга мўлжалланган мавзулар ўрганилиши тавсия этилади.

VI-синф ўқувчилари юқорида тилга олинган "Ботаника" дарслигининг давомидан 68 соатлик дастур асосида тўлиқ ўрганадилар.

8. Табиийёт ва география бўйича: "Табиийёт" фани бошланғич синфларда "Атрофимиздаги олам" ва "Табиатшунослик"ни ташкил этади. "География" V-X синфларда ўқитилиб, V-синфда 34 соат давомида "Табиий география" бошланғич курси ўқитилади. VI синфда 68 соат давомида "Материк ва океанлар табиий географияси", VII синфда "Туркистон табиий географияси" биринчи ярим йилликда (34 соат) ва иккинчи ярим йилликда "Ўзбекистон табиий географияси"дан янги дастур асосида ўқитилади.

9. "Кимё" фани 2000-2001 ўқув йилидан янги дастур асосида VII синфдан бошлаб ўқитилади.

10. "Чизмачилик" фани VIII-синфларда 2000-2001 ўқув йилида амалдаги дастур ва дарсликлар асосида ўқитилади.

11. I-VIII синфларда "Йўл ҳаракати қоидалари"ни ўрганиш учун ҳар бир синфга йилига 17 соат ажратилади. Машғулот олиб борган ўқитувчига иш ҳақи мактаб ихтиёрига ажратилган соатлар ҳисобидан тўланади. Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши шарт ва унга журналда махсус бет ажратилиши лозим.

12. 2000 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда "Соғлом авлод асослари" дастури ишланди. "Соғлом авлод асослари" бўйича яратилган қўлланмадан I-IV синфларда "Одобнома" дарсида тегишли мавзуларда фойдаланилади.

V-VIII синфларда ушбу дастур мактаб компоненти ҳисобидаги соатдан фойдаланган ҳолда ўтказиш тавсия этилади (17 соат), 9-синфда "Одам ва унинг саломатлиги" фани таркибида тегишли мавзулардан фойдаланган ҳолда ўқитилади (Республика таълим марказининг тавсияномаси асосида).

13. "Фуқаро мудофааси" машғулотларини ўтказиш мақсадида I-IV синф ўқувчилари учун иккинчи ярим йилликда 6 соат V-VII синф ўқувчилари учун иккинчи ярим йилликда 8 соат дарс "Жисмоний тарбия" дастури таркибида ўқитилади. VIII-IX синфларда "Инсон муҳофазаси асослари" дастури "Одам ва унинг саломатлиги", "Умумий биология" дастурлари таркибига 8 соат киритиб ўқитилади.

14. Барча турдаги таълим муассасаларида таянч ўқув режаси якуний юклама бўйича давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади. Факультатив, якка, гуруҳ машғулотлари гуруҳдаги ўқувчилар сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда молиялаштирилади.

15. Мактаб кенгаши қарори асосида давлат компонентидаги фанларга ажратилган соатларни ўқув дастурини бажариш шарти билан 15 фоиздан ошмаган ҳолда қисқартириб, айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлар, ихтисосликка йўналтирилган мактабларга мустақил (вариатив) ўқув режаларни тузиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташкари, VII-XI-синфлардаги "Меҳнат" дарсларини касб ихтисослигига йўналтирилган фанларнинг амалий машғулотларини ўтказишга имконият берилади. Лекин ҳар бир синф учун мўлжалланган жами ҳафталик соатлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган миқдордан ошмаслиги лозим. Бу ўқув режани Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасдиқлайди.

16. Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга бўлган умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат, жисмоний тарбия, хорижий тиллар (рус, инглиз, немис ва бошқа тиллар), ўзбек тили (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда), информатика ўқув машғулотларини ўтказиш чоғида синфлар қуйидаги ҳолларда икки гуурҳга бўлиб ўқитилади:

— шаҳар мактаблари синфларида ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ; қишлоқ мактаблари синфларида 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда:

— II-IX синфларда хорижий тиллар дарсларини ўтишда;

— таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларда II-IX синфларда ўзбек тили дарсини ўтишда;

— VIII-XI-синфларда "Информатика" дарсларини ўтишда;

— VIII-IX-синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўтишда (ҳар бир гуруҳда йигит ва қизлар саккиз нафардан кам бўлмаса);

— V-XI-синфларда меҳнат дарсларини ўтишда.

Мазкур фанларга мактаб компонентидан қўшимча соатлар ажратилган бўлса, улар ҳам гуруҳларга бўлиб ўқитилади.

17. Таълим қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб кенгашининг қарорига биноан айрим фанлар, курсларнинг ўзбек тили (давлат тили)да ўқитилиши тавсия этилади.

18. Ўзбекистон Республикаси худудида ташкил этилган халқаро мактабларнинг фаолияти "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

19. Мазкур ўқув режада таълим меъёри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиясига биноан биринчи синфда 33 ҳафта, II-XI синфларда 34 ҳафта белгиланган. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади.

Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги — 8кун; қишки — 10 кун; баҳорги — 8 кун қилиб белгиланган. Шу билан бирга 1-синф ўқувчилари учун февраль ойининг учинчи ҳафтасида бир ҳафталик таътил белгиланади.

20. V-VI синфларда 6 кун 3 соатдан; VII синфда 10 кун 3 соатдан; VIII синфда 16 кун 4 соатдан; X синфда 20 кун 6 соатдан амалий меҳнат машғулотлари бевосита мактабларда ёки ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилади.

САРАЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Мен ижодкорман" дея ўзини танитаётган қизлар, сизлардан айнан шу жиҳатларни топа оламиз, дея умид қиламиз.

Фестиваль иштирокчилари «Соғлом авлод учун» дастури амалда» ҳамда «Мен севган фаолият» (хобби) мавзуидаги шартларни сахналаштирилган кўринишда намойиш қилдилар.

Фестиваль шартларини бажаришда иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос ажойиб фазилатлари, назокатлари билан фарқланди. "Касбим менинг — фахрим менинг" шартини бажаришда уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналишларида маҳоратларини намойиш қилдилар. Эрталабки ва кечки соат машғулотлари, сайр, ноанъананавий машғулотларни моҳирлик билан ўтказишиб, улар ҳақиқатан ҳам ўз касбини усталари эканликларини исбот этдилар. Шу билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Тарбиячилар ўз камчиликларини дарҳол сезиб, уни тезда бартараф этишга ҳаракат қилдилар.

Қашқадарёлик Озода Сатторованинг янги педагогик технология усулларидан моҳирона фойдаланиб, болаларни халқимизнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, ўтмиши ва буюк алломалари билан таништириш мавзусида ўтказган машғулоти ўзига хос жиҳати билан алоҳида ажралиб турди. Озода ҳақиқатан ҳам "Ўз касбининг устаси" унвонига лойиқ эканлигини намойиш этди.

Фарғоналик Замира Насриддинова кун давомида болалар билан ташкил қилинадиган сайр пайтини кўрсатиб берди. Замира табиатни асраш лозимлигини экологик тарбия орқали ижодий ёндашган ҳолда кичкинтойларни нафосат оламига етаклаб, "Ижодкор тарбиячи" унвонини қўлга киритди.

Шунингдек, анжуманда иштирок этган тарбиячиларга янги педагогик технологияни амалда қўллашларига кўра, мурғак қалблар кўнглига йўл топиши, болажонлиги сингари фазилатларига қараб "Иқтидорли тарбиячи" (Ш. Қаҳҳорова), "Зеҳни ўткир тарбиячи" (Л. Орипова), "Моҳир тарбиячи" (Р. Абдураҳмонова), "Ширинсўз тарбиячи" (Б. Алимова), "Ибратли тарбиячи" (М. Шарофбоева), "Дидли тарбиячи" (З. Қодирова), "Болажон тарбиячи" (М. Каримова), "Тадбиркор тарбиячи" (Г. Мадаминова), "Фидойи тарбиячи" (А. Қувондиқова), "Ёқимтой тарбиячи" (О. Болтаева), "Эпчил тарбиячи" (Г. Шамсиддинова), "Меҳрибон тарбиячи" (Д. Қўчқорова) унвонлари берилди. Шунингдек, кўрик-танлов иштирокчиларига махсус «Йил тарбиячиси — 2000» эсдалик медали, «Йил тарбиячиси — 2000» кўкрак нишони, «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, гувоҳномаси, ХТВнинг қиймматбаҳо совғалари топширилди. Шунингдек, ҳомийлик қилган ташкилотлар ҳам ўзларининг эсдалик совғалари билан иштирокчиларни қутладилар.

Фестивалда хонандалар Абдулҳай Каримов, Дилфуза Раҳимова, Анвар Санаев, Абдулла Раҳимжонов, Комилжон Йўлдошев, Музаффар Тўлагановлар дилрабо қўшиқлари билан анжуман иштирокчиларига хуш кайфият бағишладилар.

"Йил тарбиячиси — 2000" кўрик-танлов фестивалини ўтказишда республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, РТМ, "Таълим-таъминот" бош бошқармаси, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси, «Совпластитал» ўзбек-италия қўшма корхонаси, "Файз Холдинг" компанияси, Б. Омонова номидаги Бухоро ҳиссадорлик жамияти, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, "Болалар" жамғармаси, Тошкент полиграфия комбинати, "Наврўз" мажмуаси, Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги, Й, Охунбобоев номли "Бош кийимлар фабрикаси" ҳиссадорлик жамияти, "Альфа-Омега" ишлаб чиқариш фирмаси, ТШХТББ, "Мактабгача таълим" журнали, "Юлдуз" ҳиссадорлик жамияти, "Coca-Cola" қўшма корхонаси ҳомийлик қилдилар.

Мазмунли, жонли ва рангбаранг ўтган "Йил тарбиячиси" анжумани унинг иштирокчилари ҳамда меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: "Йил тарбиячиси — 2000" кўрик-танлов-фестивалидан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

"АЗИЗА"НИНГ ШИРИНТОЙЛАРИ

Жиззах шаҳридаги "Азиза" номли болалар боғчаси жамоаси ўзининг хизмат даражаси ва изланувчанлиги билан ота-оналар ҳурматини қозонган. Боғча ҳовлисига киришингиз билан атрофдаги озодалик, ранг-баранг гулларнинг товланиб туриши кўзингизни яшнатиб юборади. 280 ўринга мўлжаллаб қурилган боғчада кичкинтойларнинг яйраб ўсиши учун барча шароитлар муҳайё.

— Боғчамизда 12 та гуруҳ мавжуд бўлиб, жами 68 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди боғча мудираси Бахшанда Зуҳурова. — Шулардан 25 нафари тарбиячи ва услубчилардир. Айни пайтда боғчамизда бутун диққат-эътибор «Соғлом авлод йили»ни ҳар томонлама мазмунли ўтказишга қаратилган.

Боғчанинг тайёрлов ва ўрта гуруҳларида инглиз тили, рус тили, янги ўзбек ёзувчи машғулотлари малакали тарбиячилар ва ўқитувчилар томонидан талаблар даражасида олиб борилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Айрим тили чучук, ҳарфларни тўғри талаффуз қилолмайдиган болалар билан ўтказилаётган машғулотларнинг таъсирчанлиги бизни ҳам қувонтирди.

Кичкинтойлар ўртасида меҳр-муҳаббат тушунчаларини шакллантириш, миллий қадриятларни ҳурмат қилиш борасидаги тадбирлар мунтазам ўтказилади. Боғча ҳовлисида 12 та мўъжаз шийпонча бўлиб, уларнинг ҳар бирида 12 та вилоятнинг урф-одатлари ва анъаналарини акс эттирувчи кўргазмалар мавжуд. Болаларнинг саломатлиги доимо назоратда. Тарбиячиларнинг ўз ишига бўлган масъулияти катта. Тарбиячилар ҳар йили аттестациядан ўтадилар.

Мазкур боғча Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли бўлиб, ҳомийлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ўз касбининг устаси бўлган маҳоратли тарбиячилар кўп. Республика ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги 15 та болалар боғчаси ўртасида ўтказилган кўрик-танловида "Азиза"нинг биринчи ўринни олиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. "Азиза"да тарбияланаётган ширинтойлар болаликнинг ҳар дақиқасини мазмунли ва олам-олам таассуротлар билан ўтказмоқдалар.

Абдусаттор СОДИҚОВ

ДОИМИЙ АНЖУМАН ФАРҒОНАДА ЎТАДИ

"Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилингандан бери "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжумани фаолият кўрсатиб келмоқда.

Анжуманда фаолият кўрсатган шўъбаларнинг таклифлари ва анжуман тавсиялари асосида изланишлар, тадқиқотлар, тажриба ишлари мунтазам равишда давом эттирилди. Изланишлар, тадқиқотлар самарасиз, тажрибалар натижасиз, ҳаракатлар беҳуда бўлмади.

Давр, вақт анжуманнинг танлаган йўли нурли ва истиқболли эканлигини кўрсатди. Анжуман ўз "ўзани"га йўл топиб, ҳаракат дастурини белгилаб олди.

Анжуман йиғинлари тавсиялари асосида Бухоро Давлат Университети профессорлари Ҳ.Неъматов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан янги мазмундаги Она тили дарсликлари /5-9-синфлар учун/ яратилишини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Фидойи олимларимиздан етук тилшунос олим, профессор Ҳ.Неъматов ҳамда олим, профессор А.Ғуломовлар раҳбарлигидаги "Она тилидан таълим мазмунини янгилаш" тажриба майдончаси фаолияти эътиборга лойиқдир. Тажриба мактабидаги самарали меҳнатларнинг натижаси ўлароқ тузилган ўқув дастури 1998-99 ўқув йилида таянч-тажриба мактаби (Бухоро шаҳри 9-мактаб) ҳамда жойларда ташкил қилинган тажриба-таянч мактабларида синовдан ўтказилди.

Синов дастури ва дарсликлари ҳукуматимизнинг таълим соҳасида қабул қилган қонунлари, Президентимиз Фармонлари, таълим стандартидан келиб чиқиб яратилганлиги, миллий истиқлол мафкураси билан суғорилганлиги, халқимиз қадриятлари, тарихий мероси, маданиятига таяниб, комил инсон, соғлом авлод тарбиясига йўналтирилганлиги билан амалдаги дастурдан тубдан фарқ қилади. Тажрибасинов жараёнидан муваффақиятли ўтган мазкур дастур ва дарсликлар педагогик амалиётга тадбиқ этилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида она тили таълими мазмунини янгилаш, дастур ва дарсликлар янги авлодининг яратилиш жараёни бевосита тил анжумани фаолияти билан боғлиқ, аниқроқ айтадиган бўлсак, ушбу анжуманнинг маҳсулидир.

"Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжуманининг навбатдаги VI йиғини 2001 йил апрель ойида Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилади.

Анжуман "Она тили — ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили" мавзусига бағишланиб, "Мактабгача таълим муассасаларида давлат тили", "Бошланғич синфларда она тилини ўқитиш", "Умумтаълим мактабларида она тили", "Ўқиш бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тили таълими","Олий таълимда ўзбек тили", "Махсус таълим муассасаларида она тили" каби шўъбаларда иш олиб боради.

Анжуман мавзуси бўйича маърузалар эълони, қайд этилгандек, ("Маърифат", 2000 йил 1 март сони) қатъий мавзу бўйича ёзилиши, давлат таълим стандартларига мос бўлиши талаб этилади.

Жойларда маруза тезисларини танлаш анжуман Низоми (1998 йил 22.05.104-сонли буйруқ) асосида амалга оширилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги муассасалар ҳам "Ўзбек тили" доимий анжумани Низоми талабидан келиб чиқиб, анжуман шўъба йўналишлари бўйича биттадан маърузани "Ўзбек тили" анжумани ташкилий қўмитасига (2000 йил 1 июлгача) тақдим этишлари лозим.

Анжуманнинг VI йиғинини тайёрлаш ва уни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича дастлабки ҳаракатлар бошланди. Унинг ўтказилиши хусусида расмий хат жойларга юборилди /21.02.2000/. Жойлардаги мутасаддилар расмий хатда кўрсатилган бандларга эътибор қилиб, маърузаларни Низом асосида саралашлари зарур. Маъқулланган маърузалар /хат-ҳужжатлар билан/ жорий йилнинг 1 июлигача республика Таълим марказига, анжуман ташкилий қўмитасига юборилиши шарт.

Белгиланган муддатда топширилмаган маърузалар қабул қилинмайди.

"Ўзбек тили" доимий анжумани ташкилий қўмитаси ҳузурида она тили, ўзбек тили илмий-методик кенгаши қарори билан тасдиқланган "Ўзбек тили" доимий анжумани Низоми асосида тезисларни кўриб чиқувчи таҳрир ҳайъати ва ижодий гуруҳ шакллантирилди. Таҳрир ҳайъатига анжуманда фаолият кўрсатувчи шўъба йўналишлари бўйича соҳа мутахассислари, олимлар, амалиётчи-ўқитувчилар, методистлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари киритилган.

Она тилимиз фидойилари бўлмиш барча ҳамкасбларимизнинг анжуман муқокамасига қўйилаётган масалалар бўйича кенг мушоҳада юритиб, фикран теран, мазмунан бой мунозарали маърузалар билан фаол иштирок этишини истаб қоламиз.

Кумрихон СУЛТОНОВА,
Республика Таълим маркази бош методисти

Ajdodlarimiz

"ИЛМ ЎҚИМОҚ ВА УҚМОҚ БИЛАНДИР"

Бизга аждодларимиздан бой илмий, маънавий ва маданий мерос қолган. Муқаддас заминимизда таваллуд топган ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний каби алломаларимиз буюклиги илгарилари ҳам эътироф этилиб келинган бўлса-да, Имом ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний ва аз-Замахшарийнинг илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш бахтига мустақиллик туфайлигина сазовор бўлдик. Эндиликда уларнинг ҳаёти ва меросини чуқур ўрганиш, таълимотларини ҳаётимизга татбиқ этиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Улуғ аждодларимиз, буюк маърифатпарвар ва донишманд аллома Абу Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий 1075 йил 19 мартда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган. Илк сабоқларини отасидан олган Замахшарий билимини ошириш мақсадида Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрган. Алломанинг илми, дунёқараши зиёда бўлишида яна бир омил — унинг Хуросон, Исфахон, Бағдод, Макка, Ҳижоз, Ҳамадон, Дамашқ каби бир қатор шарқ мамлакатларига қилган саёҳатларидир. Бу жойларда у илм аҳли ўртасида ўзидан яхши таассуротлар қолдирган, ўз билимини кўрсатган, нодир асарлар яратган. Алломанинг илмий мероси Қуръони Карим тафсирига бағишланган "Ал-Кашшоф", араб тилининг сиру синоатларини очиб берган "Ал-Муфассал", адабиётшуносликда мислсиз кашфиёт ҳисобланган "Муқаддимат ул-адаб", нотиқлик санъатининг нозик мактаби бўлмиш "Асос ул-балоға" ва бошқа элликдан ортиқ турли мавзулардаги асарлардан иборат. Замахшарийнинг илмдаги мислсиз хизматлари эвазига унга ҳаётлик вақтидаёқ "устоз уд-дунйа" ("дунё устози"), "фахру Харазм" ("Хоразм фахри"), "жоруллоҳ" ("Оллоҳнинг қўшниси") каби шарафли унвонлар берилган.

Замахшарий асарлари орасида, айниқса, тарбиявий аҳамиятга эга бўлганлари бугунги кунда маънавиятимиз, маърифатимиз ривожида, қолаверса, баркамол инсон тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Ахлоқий мавзудаги "Навобиғул-калим" ("Нозик иборалар") рисоласи мутафаккиримизнинг шундай асарлари сирасидандир. Мазкур асар Убайдулла Уватов таржимасида 1992 йили Тошкентда чоп этилган. Аллома панду насиҳатлари бугунги кун илм-фани ва таълим-тарбия тизимининг миллий-маънавий негизларини бойитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Мутафаккир: "Осмону фалакнинг зийнати юлдузлар билан бўлса, еру заминнинг кўркамлиги олимлар биландир", деб уқтиради. Зеро, ҳар қандай мамлакат ўзининг билимли кишилари билан қудратлидир.

Илмда осон ва яқин йўл йўқ. Киши ўз тафаккури ва идрокига таянган ҳолда, илмнинг юқори чўққиларига тинимсиз интилиши лозим, "гарчи илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби машаққатли бўлса-да". Лекин бу чўққини эгаллагач, киши ўз устида тинимсиз ишлашда давом этиши, билимини янада сайқаллаштириб бориши даркор. Чунки "ундан тушиш осондир, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади".

Илм инсоннинг баркамоллигини белгилайдиган улуғ неъматдир. Агар бу неъмат қўлга киритилса, киши муваффақиятнинг энг юксак чўққиларини забт эта олади, мислсиз куч-қудратга эга бўлади. Ҳадисларда ҳам "Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади", деб бежиз таъкидланмаган. Айнан шу фикрнинг мантиқий давоми сифатида Замахшарий шундай дейди: "Ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари туфайли ислоҳ қилинур". Илм эгаларини мамлакатнинг жаҳолат уммонида ётган кимсаларини маглуб этувчиларга тенглаштирган ҳолда мутафаккир яна ёзади: "Ловуллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирарлар. Илму маърифатли одам доимо такаббурлик қилувчи нодон кимсаларнинг бурнини тупроққа тўлдирур". Алломанинг фикри ана шуниси билан қимматлики, баъзи бир ёшларнинг турли оқимларга, бедаво кўчаларга кириб қолаётганинг сабаби уларнинг айнан илмсизликлари сабаблидир. "Савдогарнинг шуҳрати ва обрў эътибори киссасида, олимнинг шуҳратию обрў эътибори ёзган китобларида", деб ёзади хоразмлик буюк донишманд. Афсуски, айрим тоифа одамлар, алломанинг айтишича, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, ҳикмат лаззатини билмайдилар. Ана шундайларга Замахшарий "Илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан", деб маслаҳат беради. "Илм қоғозга ёзиш, чизиш билан эмас, балки ўқимоқ ва уқмоқ биландир", дейди Замахшарий ва бу билан ўқиш, ўқиганини уқиш, уққанини ҳаётга татбиқ этиш ва бошқаларга ҳам ўргатиш зарурлигига ишора қилади.

Аллома ёшлик чоғлариданоқ хуснихат сирларини қунт билан ўрганган. У чиройли ёзувни инсоннинг зоҳирий хуснига ботиний ҳусн бўлиб қўшилишини таъкидлаб, "Котибнинг ёзув хати билан қоралаши (ёзиши) гўзал қизнинг ёноғидаги гулдан гўзалроқдир".

Хуллас, Замахшарийнинг "Нозик иборалар"ида акс этган қарашларида агар қаердаки илм-фан, маданият ва маърифат ардоқда бўлса, ўша жойда жамият гуллаб-яшнайди, деган эзгу фикр таъкидланади. Ватанимизда бундай жамиятни яратиш эса биз — ёшларнинг қўлимизда, буюк тарихимиз, қолаверса, Замахшарийдек улуғ аждодларимиз томонидан яратилган нодир ҳикматлар бизга бундай мураккаб ва шарафли вазифани адо этишимизда яқиндан ёрдам бериши, шубҳасиздир.

Чунончи, Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, оқил, илмли, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсон бўлиб етишишимиз учун биз ёшлар бугунги кунда алломаларимиз қолдирган илмий, маънавий-маърифий жиҳатдан ноёб меросини қунт билан ўрганишимиз, уларни ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

Нигора СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-курс талабаси,
Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиати

Ta'lim fidoyilari

БАХТ СОҲИБИ



Ўқитувчилик касбининг машаққатига бир умр чидаб, шогирдлару дўстлар эъзозида юриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Иқтидорли муаллим, ёшларнинг меҳрибон устози, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" Ботир ака Соқиев ана шундай юксак бахтга сазовор бўлган инсонлардандир.

Бундан салкам 40 йил олдин Қарши Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини аъло баҳоларга тамомлаган Б.Соқиев оддий қишлоқ мактабида ўқувчиларга сабоқ бера бошлади. Ёш педагог ўзининг хушфеъллиги, тиришқоқлиги, билимдонлиги ва ақлу заковати билан одамлар орасида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Унинг бу қобилиятини кўрган раҳбарлар тез орада уни туман марказидаги йирик мактаблардан бирига директор лавозимига тайинлашди. Ботир ака директорлик қилган Ат-Термизий мактаби туманда, вилоятда яхши кўрсаткичларга эриша бошлади. Фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва турли беллашувларда мактабнинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди.

У мактаб директорлигидан ташқари ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида, қишлоқ касб-ҳунар мактабида раҳбарлик вазифаларида ҳам меҳнат қилди.

Ҳозирги кунда Ботир ака Ангор касб-ҳунар мактабида ЭҲМ ва физика-математика фанларидан дарс бериб келмоқда. Ҳеч муболағаси йўқ, у туманимиздаги энг билимдон ва тажрибали ўқитувчилардан саналади. Шу боис халқ таълими ходимлари, педагоглар ўртасида алоҳида ҳурмат-эътиборга эга. Унинг камтарлиги, одамларга меҳрибонлиги ҳамкасбларининг муносиб эътирофига сазовор. Тумандаги ҳар қандай тадбирлар, байрамларда Ботир ака давранинг тўрида, шогирдлар ва ҳамкасблар қуршовида бўлади.

Ботир аканинг ажойиб фазилатларидан яна бири ўзи билган нарсаларни тезроқ бошқаларга ҳам ўргатишга қизиқади.

Камтарин инсон, халқ таълимининг жонкуяр ходими Ботир ака Соқиев ҳали узоқ йиллар ўзининг мураббийлик ишларини давом эттириб, ёш авлодни ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахс этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаверади, деб ишонамиз.

Хушбоқ ТАНГРИЕВ,
Ангор тумани касб-ҳунар мактабининг ўқитувчиси

ТАШАББУСКОР ЎҚИТУВЧИ

1985 йилдан бери Шароф Рашидов туманининг С.Айний номли 17-мактабида раҳбарлик қилиб келаётган Файзи Ҳожиматовнинг ўй-ташвиши битта. У ёшларнинг порлоқ келажагини кўришга бел боғлаган. 1996 йил бу ерда Файзи аканинг бевосита ташаббуси билан 192 ўринли янги мактаб биноси ишга тушганди. Ҳозирда илм масканида ҳаммаси ўз мутахассислигига эга бўлган 27 нафар ўқитувчи ёшларга таълим беради. Етишмаган кадрлар ўриндошлик асосида қўшни мактабдан келиб дарс беришади.

Ташаббускор ўқитувчи Файзи ака 45 йиллик иш тажрибасига эга. Унинг 35 йили Файзи аканинг турли илм масканларидаги раҳбарлик фаолияти билан ўтган: Аввал Боёвутдаги 26-мактаб илмий бўлим мудири, 3 йил 25-мактабда директор, сўнгра Боёвут ҳунар-техника билим юртида директорлик лавозимларида меҳнат қилди. У киши қаерда ишламасин янги ўқув бинолари қуришга, ўқув имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилди.

— Мактабимизда мониторинг маркази очдик, — дейди Файзи ака, — Бундан ташқари, ушбу ўқув даргоҳининг иқтисодий аҳволини яхшилашни кўзда тутиб, ҳовлида боғ яратдик. Мевали дарахтлар нишона бериб қолди. Айни кунда мактаб иши учун фидойи бўлган Раъно Алланазарова, Абулқосим Ҳожиматов, Феруза Сувонқулова, Курбонбиби Турсунова сингари илғор ўқитувчиларимиз борлигидан хурсандмиз.

Файзи ака шу вақтга қадар турли жойларда уч марта мактаб қурилишини амалга оширди. Демак, у кишининг бундай тадбиркорлик ишлари маънавий соҳа кишилари учун ўрнак, намуна бўла олади.

Яхшидан боғ қолади, деймиз. Аммо Файзи Ҳожиматовга ўхшаган фидойи инсонлардан ҳам боғ, ҳам зиё маскани — мактаб қолади.

Шоди ОТАМУРОДОВ

Ишқ юрагим хонишларидан — Топиб турар ҳамиша сайқал.

«Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига яхши тарбия ва одобдан ортиқ қимматли ҳадя қила олмайди».

ИРОДАНИНГ

Ўзбекистонда теннисга бўлган эътиборга бугун кўпчилик ҳавас қилаётгани бор гап. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда юртимизда спортга, шунингдек, теннисга эътибор анча кучайди. Пойтахтдаги каби вилоятларда ҳам замонавий теннис кортларининг яратилиши, ўтказилаётган бир қанча нуфузли мусобақалар сўзимизга далил бўлади. Ҳар йили ўтадиган "Президент кубоги"нинг нуфузи ҳам йилдан-йилга ортиб, жаҳоннинг энг кучли теннисчиларини ўзига жалб қилмоқда. Шундай эсада, ўзбекистонлик теннисчилар бундай нуфузли мусобақаларда сезиларли ғалабага эришмаган эдилар. Тўғри, ўтган йилги "Президент кубоги" турнирининг жуфтлик баҳсларида ҳамюртимиз Олег Огородов швейцариялик Марк Россе билан бирга ғолиб чиққан эди. Аммо, яккалик баҳсларда ўзбекистонлик теннисчилар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига чиқмаган эдилар. "Tashkent Open" турнирида бу анъанага чек қўйилди.

Профессионаллар ўртасидаги турнирда ҳам ўзини кўрсата олишини исботлаган Ирода Тўлаганова бундай нуфузли турнирда ғолиб чиққан биринчи ўзбекистонлик теннисчи бўлди.

Ирода Тўлаганова финалгача италиялик Серра Занетти, хитойлик Ли Тинг, россиялик Елена Бовина, франциялик Сара Питковскиларни "ўйиндан чиқарди". Италиялик Франческо Скиавони эса даставвал саралаш баҳсларида муваффақият қозониб, асосий ўйинларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кейин эса Анна Смашнова (Исроил), Надежда Островская (Белоруссия), Татьяна Поутчек (Белоруссия), Юп Жинг — Куан (Хитой) каби теннисчиларни доғда қолдирди. Кескин курашлар билан ўтган ҳал қилувчи финал ўйинида Ирода Тўлаганова иродалироқ эканлигини исботлади: 6:3, 2:6, 6:3.

ИРОДАЛИ ҒАЛАБАСИ

Шундай қилиб Ирода Тўлаганова WTA Tour таснифида 110 очко ва 22000 АҚШ долларининг соҳибаси бўлди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан И. Тўлаганова мусобақа ташкилотчилари, ҳомийлари шундай гўзал турнирни уюштирганликлари, томошабинларга эса уни қўллаб-қувватлаб турганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Турнир финалчиси Франческо Скиавони ва WTA Tour директори Клэр Бууд хоним ҳам Ўзбекистондан чукур таассуротлар билан қайтаётганларини билдириб, яратилган шарт-шароит, меҳмондўстлик учун ўз эҳтиром ва миннатдорчиликларини билдиришди.

Тўрақобил ЖУМАНАЗАРОВ

Xullas...

УЧМАЙ, МАРКА ОЛДИ

Германиянинг "Вестлотто" фирмаси томонидан чиқарилган сон-саноқсиз лотореялардан бири Мюнстер шаҳрида яшовчи слесарга кутилмаган бахт келтирди. Лотореяда катта сумма эмас, балки космосга учиш қайд қилинган эди.

Слесарь совринни ўқиб, тошдек қотди. Унга кўра, ғолиб 2002 йилда Ер орбитасидан 100 км баландликка кўтарилувчи фазо кемасига ўтириши ва космос билан танишиб қайтиши керак эди. Соврин эгаси ракета тугул, ҳатто самолётда ҳам учмаган экан.

Фирма лотерея ишқибозининг сазасини ўлдирмай, унга ўша соврин учун белгиланган ҳаражатни, яъни 182 минг маркани тўлади.

Ана бу бошқа гап дея, слесарнинг боши осмонга етди.

КОНФЕТ ҚОҒОЗИДА АРТИСТЛАР ТАСВИРИ

Театр директори аломат конфетларни кўриб, нима деярини билмай қолди. Конфет қоғозларида саҳна асарларининг қаҳрамонлари, сюжетлар шу даражада қойилмақом чизилган эдики, бу фикр кимдан чиққанини билиш учун у Рыбин шаҳридаги қандолатчилик фабрикаси раҳбариятига мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, театр юбилейига "сюрприз" тайёрлашни дилига туккан бир-иккита актёрлар фабрикага саҳна асарларидан парчалар акс этган конфет қоғозлари бўлишини таклиф этишган. Яна шуни ҳам таъкидлашганки, бу конфетлар сотувга чиқарилмайди, фақат театр артистларига улашилади.

Ўша куни артистлар конфет қоғозларида ўз қиёфаларини томоша қилиб чой ичишди.

Бунақа ҳодиса ҳали ҳеч қаерда қайд қилинмаган. Чиндан ҳам арзигулик "сюрприз".

БАРБОД БЎЛГАН ҲАЗИЛ

Литвалик ҳарбий учувчининг ўз оиласи билан хайрлашиш учун чиққан рейси ҳалокатга учрамаса-да, унинг бундан кейинги фаолиятига нуқта қўядиган бўлди.

Шауляя деган аҳоли пунктига яқинлашгач, учувчи кабинадан бошини ва қўлини чиқариб, яқинларига ҳаво орқали салом йўллади. Гўёки "Мени кўрдингларми?" демоқчи эди. Том устида ишлаётган эркаклар ўша лаҳзада нарвонга оёқларини қўйиб, бирин-кетин пастга туша бошлашди. Пастлаган вертолётнинг ҳаво тўлқини улардан бирини ерга қулатди.

Норвегиядаги халқаро учувчилар билим юрти талабасининг ҳазили энди нима билан "тақдирланар" экан!

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР ВА...

Евро—2000 чорак финалида иштирок этувчи 5 терма жамоа номлари аниқ бўлди: Португалия, Италия, Туркия, Франция, Голландия. Ва омадсиз 4 жамоа ҳам маълум: Бельгия, Швеция, Чехия, Дания. Қолган 3 йўлланмага "А" гуруҳида Англия, Германия, Руминия, "С" гуруҳи жамоаларининг барчаси: Югославия, Норвегия, Испания, Словения курашмоқда.

ИНГЛИЗ ФАНАТЛАРИ ҲАҚИДА

Туркия Бельгияни 2:0 га мағлуб этиб, чорак финалга йўл олганлигини "ювалётган" турклар пивохўрлик қилаётган инглиз мухлисларига ҳужум қилишди. Аммо инглизлар бу сафар уларга... жавоб қайтаришмади. Сабаб: ўтган шанба-якшанбадаги жанжаллар учун инглиз фанатларини Британия Бош вазири Тони Блэйр, Англия терма жамоаси бош мураббийси Кевин Киган тартибга чақирган, УЕФА раҳбарияти эса жанжал яна қайтарилса, Англияни Евро—2000дан четлатишларини айтган эди.

ТРАНСФЕР БОЗОРИ АВЖИДА

Бельгия дарвозасига икки тўп йўллаб, жамоасининг муҳим ғалабасини таъминлаган Туркия терма жамоаси ҳужумчиси Хоқон Шукур Евро — 2000 дан сўнг Миланнинг "Интер" клубида тўп сурадиган бўлди. Италияликлар у билан 3 йилга шартнома имзолаб, 7,5 миллион доллар тўлашларини билдиришди. "Галатасарой"нинг яна бир ҳужумчиси Ориф Эрдем эса "Реал-Сосъедад" (Испания) клуби билан шартномани имзолаган эди.

ШАЦКИХ ШЕВЧЕНКОДАН ҚОЛИШМАЙДИ

. Охирги 5 ўйинда рақиблари дарвозасини 11 марта ишғол қилиб, голлари сонини 20 тага етказиб олган Максим Шацких Андрей Шевченкодан қолишмаслигини исботламоқда. Италиядаги биринчи мавсумидаёқ 24 та гол билан тўпурар бўлган Шевченко каби Шацких ҳам биринчи йилиёқ Украина чемпионати тўпурари бўлишга яқин турибди. Охирги тур олдидан унинг асосий рақиби Иван Гецко («Кривбасс») ҳисобида 19 тўп бор.

ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ

ҳам оралиқ маррага яқинлашиб қолди. Ўтказилган 180 ўйинда дарвозалар 510 бор ишғол қилинди. 33 учрашув йирик ҳисобда якунланди. 5 та "хет-трик"нинг 4 таси З. Холмуродовга тегишли бўлса, 54 ўйинчи "дубль"га эришган. 9 ўйинчи эса ўз дарвозасини ишғол қилган. Ҳакамлар футболчиларга 614 бор сариқ карточка кўрсатиб, 35 ўйинчини майдондан чиқариб юборишган. Стадионларга 180 ўйинда 1652000 томошабин ташриф буюрган.

МАКТАБ ҲАҲДАЛАРИ

Рустамнинг мактабга боргиси келмай ялқовлиги тутди. Миясига бир фикр келиб, телефонни ишга солди.

—Мактабми бу? Директор опа! Бугун Рустамнинг боши оғрияпти. У мактабга бора олмайди. Ким гапиряпти дейсизми? Бу менинг отам...

* * *

Бир куни Алишер мактабга боролмай қолди. Эртасига ўқитувчиси:

—Нега кеча дарсга келмадинг? — деб сўради.

—Вақтим бўлмади, ойимнинг тиши оғриб қолди.

—Ойингнинг тиши оғриса, сенга нима алоқаси бор?

—Ахир ойим билан бирга бақиришдик-да!

* * *

Ойиси: — Ўғлим, мактабга борадиган вақтинг бўлди, тезроқ турақол.

Ўғли: — Боргим келмаяпти, барибир икки қўйишади.

Ойиси: — Борақол ўғлим! Унда бирга ҳам илинмайсан.

* * *

Аҳмад: — Ярим кечада қаерга югуриб кетаяпсан?

Ҳомид: — Уйқум қочиб кетди, ушлаб олай деяпман-да!

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

"ЛОЧИН" ИШ БОШЛАДИ

Куни кеча Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларияро "Лочин" болалар оромгоҳи иш бошлади. Ушбу дам олиш маскани болалар ёзги оромгоҳининг энг намунали фаолият кўрсатаётганларидан бири ҳисобланади. Оромгоҳ 360 нафар болаларнинг дам олишларига мўлжалланган бўлиб, бу ерда ўқувчиларнинг мароқли ва мазмунли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ёрдамида намунали таъмирланган ётоқхоналар, ошхоналар, спорт майдончалари, маънавият ва маърифат хоналари, кутубхоналар, бассейн дам олувчилар хизматига шай. Бу ерда аксарият олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва Халқ таълими муассасалари ходимларининг фарзандлари дам олишади.

Лагерь биринчи босқичининг очилишида Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг масъул ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раиси И.Абдуғаниев дам олувчи ўқувчиларни табриклаб, оромгоҳ очилишининг рамзий ифодаси бўлган оромгоҳ гулханига ўт ёқиб берди.

М.МУРЗАЕВА,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси

Ko'ngil bitiklari

Қамашилик ижодкор ўқитувчи Йўлдошбек Кенжа туманнинг 42-мактабида болаларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Дарсдан ташқари вақтида яхшигина шеърлар ёзади. Унинг ижоди республика ижодкор ўқитувчилари анжуманида ҳам эътироф этилиб, "Мунаввар туйғулар" тўпламидан жой олган. Шунингдек, шоирнинг "Кечиккан карвон қўнғироғи", "Юрагимда аланга", "Қалбнинг қирқ қўшиғи" китоблари нашр этилган. Қуйида ижодкор ўқитувчининг янги шеърларидан намуналар берилмоқда.

* * *

Рангларнинг энг асили
Чечакли қирда эмас,
У сенинг кўзларингда —
Кўнгил бошқасин демас.

Оқ тонгларнинг тўшида
Минг бор кокил чайсалар —
Сенинг сочинг бўлолмай
Ҳар кун йиғлар майсалар.

Қалдирғоч саллонадир
Ҳавода қорагулдай.
Қошингга ўхшар десам
Юраги ёрилгудай.

Кеча узун сочини
Менга кўз-кўз қилади.
Ақлини шоширай деб
Новдаларга илади.

Агар уни тўзғитсам,
Нетай, жисмим дордадур.
Ахир менинг жонимни
Ёққан ранг ул ёрдадур.

* * *

Наҳотки, шу вужуд музлаган,
Наҳотки, у, тирик сағона?
Фалакнинг кўксидан бир
юлдуз
Учди-я билмайман, қаёна?

Чўққиларнинг сирли уйқуси
Бездирдими кумуш
қорларни?
Офтоб ҳиди қайдасан дея
Излаб кетди бедазорларни.

Мен осмондек туролмайман
жим,
Мен чўққидек эмасман
ҳайкал.
Ишқ юрагим
хонишларидан —
Топиб турар ҳамиша сайқал.

* * *

Қизғалдоқ қаддингга
Меҳрим ийиб кўз тикдим,
Кун кўрмаган кўкатдай
Лабим қуриб энтикдим.

Шу чоғ қушга айланиб
Чарх урдим ҳаволарда.
Хазон қайта бўялди
Сел қилар наволарда.

Нигоҳларимни қийнар
Қувончдан беҳуш бир дард.
Кетма, ўтир ёнимда
Излаганимдир ҳамдард.

Сен мулойим боқасан,
Куяди ширин жоним.
Куйдирсанг-да, суйдиргин,
Майли, бўлгин ёмоним.

Қизғалдоқ қаддингга
Меҳрим ийиб кўз тикдим.
Кун кўрмаган кўкатдай
Лабим қуриб энтикдим.

Йўлдошбек КЕНЖА

Ma'rifatsiz kishilar

Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Чунки гўдакнинг қалби оқ қоғоздек покиза бўлади. Бериладиган тарбия эса ана шу қоғозга битиладиган изҳорлардир. Хўш, бола тарбиясига кимлар масъул ҳисобланадилар? Тарбияни қачондан бошлаб бериш керак?

Айрим ота-оналар фарзанд тарбиясига иккинчи масала деб қарашади. Бунинг натижаси эса кўпинча аянчли якун топмоқда. Мисол учун Ҳаққулобод шаҳарчасида яшовчи 14 ёшли Раф Газизов жиноятга қўл урди. У туман ИИБнинг тарбияси ута оғир болалар руйхатида туради. Шу сабабли 1996 йилда Самарқанд шаҳридаги махсус мактаб-интернатига жўнатилган эди. Бироқ унга махсус-мактаб-интернат тарбияси ҳам кор қилмапти.

ТАРБИЯ — ЭНГ КАТТА ҲАДЯ

Ахир, она Елизавета Вусгина боланинг ёшлик пайтида унинг тарбиясидан кўра қўшмачиликни афзал кўрганидан кейин кимни айблаш жоиз? Бу каби муҳитда ўсган боладан нимани ҳам кутиш мумкин?

Давлатобод тумани олтинчи кичик туман 32-уй, 24-хонадонда яшовчи Улуғбек Исмоилов оғир жиноят содир қилиб, ун етти ёшида қотилга айланди. У Наманган мусиқа мактабида таҳсил оларди. Ён қўшниси, узидан ёши катта Обиджон Олимжоновнинг дуч келган ерига пичоқ билан уриб, умрига зомин бўлди.

Норин туманида яшовчи 16-касб-ҳунар мактаби ўқувчиси Акром Сатторов эса "Ўзбекистон" жамоа хўжалигига қарашли "ОМОНУЛЛО" хусусий-фермер хўжалигидан 120 минг сўмлик бир бош отни ўғирлаб кетади.

Тўрақўрғонлик Фарҳод Зокиров бўлса, тумандаги трактор таъмирлаш заводи деталларини қайта ишлаш цехидан етти дона станок қалпоқларини ўғирлаб, заводга 161 598 сўмлик зарар келтирди.

Ҳаттоки вояга етмаганлар ўртасида уюшган ҳолда жиноятга қўл уриш ҳам учраб турибди. Ана шундайлардан бири Наманган шаҳар Кўзагарлик кучаси 3-уйда яшовчи, 1983 йилда туғилган Довуд Рустамов булиб, ҳамтовоқлари билан Галча қишлоғида яшовчи А. Хафизовнинг уйидан 150 минг сўмлик буюмларни ўғирлайди. Бу ишда унга 1980 йилда туғилган Фарҳод Исматуллаев, 1981 йилда туғилган, аввал ҳам қора курсини курган Маҳмуд Ғафуровлар кўмаклашадилар.

Поп тумани Санг қишлоғида яшовчи Обид Абдураҳмонов эса жиноят кўчасига жуда эрта кирди. Одамларни алдаш, фирибгарлик ва товламачилик унинг севимли машғулотига айланди. Охирқибат эса, қилмишлари номига доғ бўлиб тушди. Наманган шаҳар Самарқанд кўчаси 16-уйда яшовчи 15 ёшли мактаб ўқувчиси Шерали Камоловнинг қилмиши ҳам нотўғри тарбиянинг маҳсулидир. У Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғидаги "Тинчлик" майдонидан 176 минг сўмлик 32 дона стул ўғирлаб, қилмиши фош бўлди.

Тарбияси издан чиққан усмирлар ўртасида қизларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳолатдир. Мисол учун икки жинояти учун Г. исмли қиз суд залига келтирилган эди. Судлов ҳайъати уни Қўқон шаҳридаги қизларнинг махсус мактаб-интернатига юборди. Наманган шаҳар 1-Гулистон кўчаси 19-уйда яшовчи 18 ёшли Кимё Алиева эса вояга етмаган Дилфуза Холмирзаевани уриб, тан жароҳати етказади.

Юқоридагилардан куриниб турибдики, жиноятнинг илдизлари оила муҳитидан келиб чиқмоқда. Чунки баъзи ота-оналаримизни фарзанд тарбиясидан кўра пул, бойлик кўпроқ қизиқтирмоқда. Натижада болаларда маънавий бойликдан кўра моддий бойликка иштиёқ ортиб бормоқда. Бу эса ҳаётда салбий оқибатлар келтириб чиқармоқда. Ота-оналар фарзанд тарбиясига ўқитувчилар масъул дейишса, муаллимлар аксинча фикрни айтишади. Бу эса айрим ҳудудларда ота-оналар билан ўқув муассасалари ўртасида ҳамкорлик йўқлигидан далолат беради.

Вилоятда 1999 йилнинг ўзида содир этилган 192 та жиноятда 231 нафар шахс қатнашган булса, уларнинг 192 таси вояга етмаган ўсмирлардир.

Демак, юқоридагилардан куриниб турибдики, энг аввало ҳамкорлик муҳим экан. Чунки фарзандларимиз тарбиясига ҳар биримиз масъулмиз. Бир болага етти маҳалла ота-она, дейди халқимиз. Ҳадиси шарифда айтилганидек «Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига яхши тарбия ва одобдан ортиқ қиммати ҳадя қила олмайди».

Улуғбек МАМАДАЛИЕВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходимлари

Ёз — ўтмоқда соз!

МУҲАББАТНИНГ СИНГЛИСИ

Меҳр — ташналар учун бир пиёла сувдай. Ота-боболаримиз ҳам меҳр — кўзда деган иборага амал қилиб яшашган, худди инсоннинг инсонга ғаниматлигига ишора қилгандай. Орамиздаги аканинг укага, отанинг болага, боланинг отага, қариндошнинг қариндошга, қўшнининг қўшнига, энг ёмони — инсоннинг инсонга меҳр-оқибати, гарчи йўқчилик эмас, борчилик бўлса-да, сусайган. Болалигимизда кексаларнинг ҳангомаларидан жуда қаттиқ даврларни — нон топилмагани, нон ўрнига ўтмайдиган нарсаларни ейишгани, лекин меҳр-оқибат кучли бўлган замонларни кўришганини эшитиб қолардик. Орқасидан ҳозир замоннинг тўкинлиги тўғрисида шукроналар келтириб қўярдилар. Шундан бошлаб одамлар бойигани сари меҳр-оқибати, иймон-инсофи сусайиб борган кўп ҳолларга гувоҳ бўлганман. Муҳаббат — севиш бўлса, меҳр ҳам ундан кам бўлмаган инсоний туйғудир. Ватанга, она-Ерга, табиатга, инсонга бўлган муҳаббатсиз яшаб бўлмаганидек, меҳр-оқибатсиз ҳам инсондай яшаш мумкин эмас. Яқинда бозорга кетаётсам, одамларнинг кўзига яқин шундайгина йўл четида бир маст юзтубан бўлиб ётганини кўрдим. Атрофдаги ҳамманинг парвойифалак, эътиборсиз ўтиб борарди... Бундан таъсирланиб, бир ҳамкасбимга дардимни ёрсам, у ҳозир тараққиёт замони, одамлар орасида бу қарашлар эскилик саналишини айтди. Яна бировнинг бу ётиши ҳайвондан бадтарлигини айтди. Унинг гапини инкор этмайман. Лекин, биз қачонгача ўз қобиғимизга беркиниб, мен шундай бўлмасам бўлди, мени худо асрасин, қабилида ёки йиқилганни тепиб ўт қабилида номардларча, қўрқоқларча яшаймиз? Тўғри, кишилар орасидаги меҳр-муҳаббат деб аталмиш туйғу қадимдан мавжуд. Токи инсоният бор экан бунинг бўлганлиги, борлиги, ҳақиқийлиги, унинг мавжуд бўлиб қолишига имкон беради. Ахир шундай тараққийга эришган Америкада ҳам пулга, бойликка эмас, меҳр-муҳаббатга эҳтиёж кучлику? Унинг кучини бугунги кунда эшитаётганимиз, кўплаб машҳурлару "юлдуз"ларнинг ҳар кунги ажрашиш - можароларидан билиб олсак бўлади. Демак, кўпчилигимиз ўйлаганимиздай бахт фақат бойликда ҳам эмас экан. Бояги ерда хор бўлиб ётган биродаримиз ҳам одамку!? Қачонлардир у ҳам инсон бўлган-ку? Унинг бу ётишида фақат бир-икки киши гуноҳкор эмас, балки ҳар биримиз қайсидир маънода айбдордирмиз? Ахир биз инсонларимиз-ку? Асл гуноҳкор бир кун келиб, айбини англар, лекин биз ҳам инсон сифатида нимадир қилишимиз лозим. Бундай лоқайд қараб ўтиш инсон деган табаррук номимизга ярашмайди. Ахир кўчада одам эмас, бир ит ёки мушук шундай қаровсиз ётса, биз — уларнинг табиатдаги "катта дўстлари" уларга бир илиқ муносабат билдирамиз. Ҳар биримиз бир кун келиб, меҳрга муҳтожлик сезамиз. Мен бу билан мастни оқламоқчи эмасман. Лекин нима бўлганда ҳам нажот — меҳр-муҳаббатда, дейишади. Аждодларнинг бу ўтитини унутмасак, дейман.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси шу мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Назирахон Исҳоқовага умр йўлдоши **Саидвали ҲАСАНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА ва Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-517. Тиражи 35.358.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 19.30.